



Инсоният тарихи бамисоли ойна, Унга тикилсак, карама-карши манфаатлар тўқнашуви туфайли юз берган беҳисоб вайроналару хунрезликлар билан бир каторда ўзаро умуминсоний манфаатлар уйғунлигининг самараси ила бунёд бўлган боғу роғлар ва буюк маданий ёдгорликлар гувоҳи бўламиз. Мана биргина мисол. Муслмонлар билан насронийлар ўртасида қадим-қадимдан бўён ўзаро муросаи мадора қилиш, ўзаро бағрикенглик ва ҳурмат-эҳтиромда яшаш анъанага айланган. Бунда динлараро тенглик, муслмон дунёсида эса насронийлар учун черковлар, насроний дунёсида муслмонлар учун масжидлар қурилиши ва уларнинг эмин-эркин ибодатлар қилиниши ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Бизнингча, мана шу муқаддас ибодатхоналарни биринчи бўлиб қимлар қаерда қургани, буларга ташаббускор бўлган ва маблағ сарфлаганларни аниқлаш тарихий аҳамиятга молик иш. Биз Бухоро амирлигининг олтин хазинаси ҳақида тадқиқот олиб бориш баробарида амир Саййид Абдулахадхон катта миқдорда маблағ сарфлаб, ташаббускорликни кўрсатиб, муслмон ва насронийларнинг тинч-тотувлигини ҳозирда ҳам Санкт-Петербургда фаолият юритиб турган катта Жомеъ масжидини қурдирганлигининг гувоҳи бўлдик.

Амир Саййид Олимхон ҳам отаси бош-қош бўлиб қурдирган шу масжиднинг ишга тушишига катта ҳисса қўшган экан. Бу масжид бутун Европада илк бор қурилган энг катта масжид бўлиб, бир вақтда унда беш мингга яқин муслмонлар намоз ўқиши мумкин бўлган. Масжид биносининг узунлиги 45 метр, эни эса 32 метр, бош гумбазининг

баландлиги 39 метрни ташкил этади. Масжид олдида 48 метрлик иккита гўзал минора кўкка бўй чўзиб турибди. У буюк Пётр I бунёд этган Россия империяси пойтахтининг марказидаги жуда ҳам гўзал жойда уч каватли килиб, беҳад кўркам кўринишда қурилган.

Биз бу масжид хақидаги ҳозирги ва бундан кейинги маълумотларни З.А.Витязеванинг илмий ҳамда Аббос Аҳмад ва М.Тўхтасиновларнинг кизикарли мақолаларидан олдик. Шуни ҳам айтиш керакки, охириги икки муаллиф масжид қурилишини факат амир Саййид Олимхон билан боғлаб, биров хатоликка йўл қўйганлар. Дарҳақиқат, Санкт-Петербургда масжид қуриш учун эҳтиёж Пётр I 1703 йилда бу шаҳарни қуришга фармони олий бергандан сўнг тезда пайдо бўлган. Бу улкан қурилишда дастлабки кунлардан бошлаб Козон, Нижний Новгород, Аштархон татарлари ва бошқа мусулмонлар ҳам фаол катнашганлар. Шу сабабдан, бу ерда мусулмонларнинг сони тез қўпайиб боради. Бу шаҳарда Туркистон, умуман Ўрта Осиёдан келувчи мусулмон савдогарлар сони ҳам аста-секин ўсиб боради. Шу масканда расман мусулмонлар 1788 йилдан жамоа бўлиб, намоз ўқийдиган дастлабк хонадонлар пайдо бўла бошлайди. Мусулмонларнинг Санкт-Петербург ва умуман Россияга оқими Ўрта Осиё босиб олинганидан сўнг янада жадаллашади.

Петербургдаги мусулмонларнинг масжид қуриш хақидаги орзу-умидларининг рўёбга чиқишида Бухоро амири Саййид Абдулахадхоннинг хизмати ва ташаббуси катта бўлди. У Петербургда ўқиб юрган ёшлик пайтларидаёқ, валиахд Николай II билан дўстона муносабатда бўлган экан. Мана шу сабабдан бўлса керакки, уларнинг ҳар иккиси ўртасидаги муносабат, улар тахтга ўтирганларидан кейин ҳам яхши бўлса-бўлдики, ёмон бўлмади. Амир Саййид Абдулахадхон 1904 йилда Санкт-Петербургда бўлган пайтда, уни рус подшоси Николай II ўз саройида бўладиган оилавий нонуштага таклиф этади. Мана шу олий мақомдаги зиёфат пайтида амин ундан масжид учун ер ажратиши ва уни сотиб олишга рухсат беришини сўрайди.

Амир Абдулахадхон зиёфат пайтида рус подшосига расман қуйидагича мурожаат қилган экан: «бугун, 5 декабр куни, Парвадигор бизни Сиз император жаноби олийларининг оилавий йиғинида катнашиш шарафига муяссар этди. Сиздек адолатли ва мурувватли подшоҳи олий эътиборларига ушбу илтимосимизни етказишга журъатланаман: Маълумингизким, бундан 23 йил мукаддам марҳум падари бузрукворимиз элчиси сифатида камина император Александр III нинг тахтга ўтириши муносабати билан Петербург ва Москвага келган эдим. Бу пайтда петербурглик мусулмонлар ўзларига масжид қуриш ташвишида эдилар. Ҳозирга қадар... улар ўз мақсадларини амалга оширишга ожизлик қиладилар... Сиздан жаноби олийлари, бизга бир парча ерни сотиб олиш... ва уни бу ерлик мусулмонларга инъом этиш учун изн сўрайман...»

Мана шундай сўнг 1905 йил 5 ноябрда 20 кишидан иборат масжид қуриш ва унга хайрия йиғиш Кўмитаси сайланди. Унинг таркибига йирик мусулмон бойу баёнлар, давлат, ҳарбий ва жамоат арбоблари қиради. Бунинг ташаббусқори Россиядаги биринчи мусулмон газетаси «Нур»нинг муҳаррири ва ношири, таниқли ёзувчи Охун Отауллох Боязитов (1871-1911) бўлди. Кўмита раиси этиб эса полковник Абдулазиз Давлетшин сайланади. Мана шу таркибда Кўмита 1906 йил январида Россия Ички ишлар министри П.Г.Столыпин томонидан тасдиқланади. Кўмита масжид қуриш учун 750000 сўм пул йиғиш, ер сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда расман фаолият бошлайди.

Николай II Санкт-Петербургнинг Кронверк ўтар кўчаси (ҳозирги Кронверк проспекти, 7) ва Конний кўчалари туташган жойдан 250 саржин (1 саржин – 2,1 метр) ер ажратади.

Буни Бухоро амири Саййид Абдулахадхон 312000 сўмга сотиб олиб масжид куриш учун назр этади. Дастлаб амир Абдулахадхон тасарруфи остида Жомеъ масжиди биночи лойихаси учун меъморий танлов эълон қилинади. Танлов шартларини Охун Боязитов ишлаб чиқади. Россия меъморлари жамияти томонидан махсус танлов комиссияси тузилади. Унга академик меъморлардан А.Н.Померанцев, Л.Н.Бенуа, А.И.фон Геген, меъморлардан Ф.И.Лидвала ва А.И.Дмитриевлар қиради. Танловга йирик мутахассис, рассом ва меъморлардан 45 та лойиха тушади.

Лойихалар танлови 1908 йил мартада якунланади. Биринчи ўринни петербурглик меъморлардан Н.В.Васильев, М.С.Лялевич, М.М.Перетяковичлар эгаллайди. Улар тақдим этган лойихалар Самарқанддаги мусулмон меъморчилигининг ўрта асрлардаги ёдгорликларидан «Гўри Амир», «Шохи Зинда»лардаги ўзига хослик усуллари акс эттирилганлиги учун ҳам эътироф қозонади. Бу лойихалардаги энг яхши жиҳатлар умумлаштирилган ҳолда масжид биносининг сўнгги кўриниши 1909 йил июлида ҳамма тегишли юқори идоралар тасдигидан ўтади ва ниҳоят, шу йил 27 июнда Николай II томонидан ҳам маъқуллангач, масжид учун ер қазош ишлари бошланади. Масжид пойдеворига биринчи тош қўйиш маросими амир Абдулахадхон тахтга ўтирганининг 25 йиллигига бағишлаб, 1910 йил февралда ўтказилади. Масжид пойдеворига биринчи тошни амир Саййид Абдулахадхон қўяди. Шундан сўнг шу куни бу ерда мусулмонлар биринчи бор намоз ўқийдилар. Москва, Кронштадт, Кавказ ва бошқа мусулмонлар марказларидан келган вакилларни қабул қилиш маросими бўлади. Шулардан сўнг катнашчиларга катта зиёфат берилади.

Масжид учун қурилиш материаллари Финляндия, Карелия ва Петербург вилоятларидан келтирилади. Умуман қурилиш ишлари жуда катта миқёсда ва жадал суръатларда олиб борилади. Ёз фаслларида ҳатто кечаси ҳам иш тўхтамайди. 1913 йилга келиб, таҳоратхона ва иссиқхоналарнинг қурилиши якун топади. Бино қурилиши охиригача етмаса-да, у иситила бошланади. Бу эса вақтинча намоз ўқиш имконини беради. 1913 йил 21 февралда Романовлар сулоласининг уч юз йиллигига бағишлаб оммавий намоз ўқилади. Бу тантанали намоз ўқиш қунига Бухоро амири Саййид Абдулахадхон ва Хива хони ҳам ташриф буюради.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан масжид қурилиши анча сустлашади. Умуман, унинг қурилиши 1920 йилга келиб тўла якунланади ва шу йил 30 апрелдан бошлаб доимий равишда оммавий намоз ўқила бошланади. Хужжатларнинг гувоҳлик беришича, амир Абдулахадхондан сўнг масжид қурилиши ва уни жиҳозлар билан таъминлашда амир Саййид Олимхоннинг хизматлари катта бўлган.

Архив хужжатлари асосида ёзилган В.А.Витязеванинг юқорида биз тилга олган мақоласида кўрсатилишича, амир Олимхон масжиднинг 400 квадрат метрлик марказий намозхонаси учун шунча катта майдонни яхлит тўлдирган, мукаддаслаштирилган эроний гиламни қўлда тўкитиб нарз қилган. 1924 йилда Жомеъ масжидининг мулки советлар ҳукумати томонидан мусодара қилиниб, антика мўътабар катта гилам, тўртта бронзадан ясалган фонус (фонар), ўчта кандил ва мебеллар, антиквариат бойлик сифатида сақланиши учун музейга топширилади.

1940 йил июн ойидан масжидда намоз ўқиш ва Рамазон байрамларини ўтказиш бутунлай ман этилади. Унинг биноси эса тиббиёт жиҳозлари омборхонасига айлантирилади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 15 минглик Ленинград мусулмонлари номидан ўша даврдаги халқаро озошлик ҳаракатларининг йирик намояндалари Индонезия

Президенти доктор Сукарно ва Хиндистоннинг премьер-вазири Жавахарлал Неруларга мурожаат килиниб ёрдам сўралади. Уларнинг таъсирида Санкт-Петербург Жомеъ масжиди 1955 йилда Мусулмонлар диний жамияти ихтиёрига кайтарилади. Мана шундан бери масжид Санкт-петербург мусулмонларига диний-маърифий марказ сифатида хизмат килиб келмокда. Бу Худонинг мукаддас уйи – масжидда хар куни беш вақт намоз ўкилади, Куръони карим ўрганилади, муборак исломий байрамлар ўтказилади, араб ва татар тиллари ўқитилади.

Маълум бўлдики, масжид қурилиши қарийб ўн йил давомида яқун топган. Албатта, унга ер сотиб олинишидан ташқари жуда катта миқдорда маблағ сарфланган. Унга юқорида кўрсатиб ўтилганидек 750000 пул йиғиш ҳуқуқи олдиндан белгиланган бўлсада унга бундан ҳам кўпроқ маблағ хайр-эхсон йўли билан йиғилган. Биз фойдаланган манбалардан бирида шундай дейилади: «Қурилиш қўмитасининг 1905-1914 йиллардаги тўққиз йиллик фаолияти якунига кўра, Жомеъ масжидининг ҳисоб-рақамига жами 700000 сўм тушган. Шундан қурилиш ва жиҳозлар учун 600000 сарфланган. Қурилиш якунланиши учун яна 110000 керак бўлмокда.

Албатта, бунданга кўп маблағлар мусулмонлар ва хар хил жамиятларнинг ихтиёрий равишда Аллох йўлида қилган назрлари эвазига тўпланган. Маълумки, назр берувчиларнинг кўплари ўзларининг номларини яширганлар. Мана шунга асосланиб айтиш мумкинки, масжид қурилиши учун Бухоро амирлигининг хазинасидан сарфланган бойликларнинг миқдори биз юқорида қайд этиб ўтганларимиздан янада кўп бўлганлиги табиийдир. Шунингдек, бу масжид қурилишига Хива хонлари ҳамда Бухоро амирлиги, Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлигидаги фуқаролар, бой ва савдогарлар ҳам назрлар қилганлиги ҳақиқатдир. Албатта, буларнинг ҳаммасини аниқлашнинг иложи йўқ. Биз шулардан бири, нихоятда муруватли бўлган тошкентлик бир бой ҳақида маълумот топишга муяссар бўлдик. Бу Тожимуҳаммад тужжор Исамухаммад ўғлидир. Такдирни қарангки, биз шу табарруқ инсоннинг набираси, катта қимёгар олим Хабибулла Тожимуҳаммедов билан Ўзбекистон Миллий Университетида қирк йилдан ортиқ йил мобайнида бирга меҳнат қилар эканмиз. Бизлар кейинги пайтда тасодифан учрашиб, жуда дўст бўлиб кетдик. У 2007 йилда, бир куни менинг илмий тадқиқот мавзуимдан хабар топгач, Тожимуҳаммад тужжорнинг укаси Убайдуллахожи қизи – 96 ёшли Зубайра она олдиға бошлаб борди. Сухбат чоғида мўътабар она менга ўта бир нодир расмни лутфан инъом этиб шундай дедилар: «Бу суръатда мени амаким Тожимуҳаммадбой Бухоро амири Олимхон билан биргаликда рус подшоси Николай II меҳмони сифатида катта зиёфатда ўтирибдилар. Мана шу пайтда улар Петербургдаги катта масжид қурилиши ҳақида мулоқот юритган. Амаким бу вақтда жуда катта бой бўлган экан. Улар ҳам масжид қурилиши учун ўз сармояларини ҳеч аямай сарфлаганлиги ҳақидаги гапларни кўп эшитганман. Бу ҳеч эсимдан чиқмайди».

Дўстим Х.Тожимуҳаммедов ҳам онанинг гапларини маъқуллаб шундай деди: «Бизлар бобомиз Тожимуҳаммад тужжор ва унинг укаси Убайдуллахожилар ўз даврларида катта бой бўлганликларини истиклолдан кейин профессор Ш.Юсуповнинг мақоласидан билдик. Бобом ҳатто 1900 йилда Париж шаҳрида бўлган Халқаро савдо кўргазмасида катнашган экан. Мана бу расмни у ўша кунлари парижда тушган» деб уни менга тортиқ этдилар.

Дарҳақиқат, юқоридаги мақоладан маълум бўлишича, шу расмдаги Тожимуҳаммад савдогар дунёнинг кўпгина қисмида бўлган тараккийпарвар, йирик жаҳид, савдогар, бой бўлган экан. Буни унинг Тошкент, Авлиёота, Москва, Петроград, Хельсинки, Париж каби

катта шаҳарларда ўз дўконлари бўлганлиги исботлаб турибди.

Шуни айтиш керакки, катта обрўга эга бўлган, сахий савдогар бой ўз вақтида Бухоро амири ва рус подшоҳи билан яқиндан алоқада бўлгани ва Санкт-Петербургда қурилатган Туркистон ва бутун мусулмон дунёси учун эътиборли бўлган Жомеъ масжидига катта назрлар қилганлиги табиий бир ҳолдир, албатта.

Афсус ва надоматлар билан шуни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Тожимуҳаммад ва унинг укасининг жамики бойлик мулклари Бухоро амирлигининг олтин хазинаси каторида Россия большевиклари томонидан талон-торож қилинди. Шундай бўлса-да, Санкт-Петербургдаги Жомеъ масжиди амир Саййид Абдулахадхон ва унинг ўғли Саййид Олимхон билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Демак, бу қутлуг ишда ҳам амирлик олтин хазинасининг улуши катта бўлган.

Хулоса шуки, Бухоро амирлиги узлуксиз равишда Россияга бехисоб катта миқдорда сармоя қиритиб келган. Бу ҳол айниқса амир Саййид Олимхон даврида янада ривожланиб юксак даражага қўтарилган. Бундан ҳар икки томон ҳам ўз вақтида катта фойда қўрган. Аммо Россияда ҳокимият ленинчи олтинпараст большевиклар томонидан босиб олиниши биланок, амирнинг Россиядаги мулки ва сармоялари, рус халқининг барча бойликлари каторида мусодара қилинди.